

1/2024,
yanvar-
fevral
(№ 00069)



ТУПРОҚАЛЪА ТАРИХИЙ ЭТНО-МУЗЕЙИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Эштаев Алишер Абдуғаниевич

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Туризм кафедраси
мудури, иқтисодиёт фанлари доктори (DsC), профессор*

aa_eshtaev72@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss1/i25

Аннотация

Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида "Тупроққалъа этно-музейи"ни ташкил қилиш орқали мамлакатимизга ички ва халқаро туристларни жалб қилиш ёритилган. Этномузейни ташкил қилиш борасидаги хориж тажрибаси таҳлил қилиниб, ижобий жиҳатларидан Ўзбекистонда фойдаланиш борасидаги таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Маданият, қадрият, этно, этнография, қалъа, анъана, туризм, туризм ресурси, тарих, турист, туристик комплекс, агро, агротуризм, қишлоқ туризм, минтақа, этнографик туризм, анъанавий ҳунармандчилик, этник объект, меҳнат ресурслари, халқ ҳунармандчилиги, этнографик музей.

Кириш

Жаҳонда кечаётган иқтисодий рақобат кескинлашувига қарамай, туризм соҳаси фаол ривожланаётган соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Барча давлатлар ўзи учун қўлай сайёҳлик йўналишини танлаш, яъни бозордаги мақбул мавқеини эгаллаш, хизматлар кўрсатишнинг ҳар томонлама ўнғай жиҳатларини қўллаш, замонавий маркетинг тадқиқотлари олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Бунинг асосий сабабларидан бири туризмнинг сердаромад соҳа эканидир. Сайёҳликда топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб етиб боради. Ҳолбуки саноат ва бошқа тармоқларда бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди. Қолаверса, янги иш ўринларини яратишда ҳам ўзига хос имконият беради. Туризмда яратилган битта иш ўрни бошқа соҳаларда қўшимча 2 та иш ўрни очилишига сабаб бўлади.

Мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш борасидаги сиёсат тўғри йўлга қўйилгани, бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани, тадбиркорларга кенг имкониятлар берилгани туфайли туризм иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланмоқда. Давлатимиз раҳбари Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош ассамблеясининг Самарқандда ўтган 25-сессиясида жорий йилда сайёҳликни 2030 йилгача комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган стратегияда замонавий туризм инфратузилмасини яратишга устувор аҳамият қаратилишини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган туристларнинг асосий қисми тарихий-маданий туризм билан боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Бунда

мамлакатимиз ҳудудларидаги этнографик туризм тарихий-маданий туризмнинг ажралмас қисмларидан бири ҳисобланади.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-238 сонли Қарорида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда этнотуризм мажмуаларини ташкил қилиш топшириғи кетган[1].

Этнографик туризмнинг мақсади маълум бир ҳудудда ҳозир ёки доимо яшовчи муайян халқ (этнос)нинг маданият, меъморчилиги, ҳаёти билан танишиш учун этнографик объектга ташриф буюришдир. Этнографик туризм мамлакатнинг табиий, тарихий ва маданий меросини асраб-авайлашнинг самарали воситасидир. Этнографик туризм - бу ҳудудларга ташриф буюриш билан боғлиқ маданий-маърифий туризм тури бўлиб, анъанавий турмуш тарзи кенг тарқалган. Этник гуруҳларнинг анъанавий маданиятини ўрганиш ва таништириш мақсадида саёҳат қилишни ўз ичига олган халқлар ҳаёти, сўнгра анъанавий хўжалик шакллариغا эга бўлган ҳудудларга ўрганиш, ҳудуднинг этнографик меросини сақлашда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига, маҳаллий қонунларга ва минтақавий урф-одатларга риоя қилиш мазкур туризм турининг асоси ҳисобланади.

Дунё бўйлаб турли халқлар, уларнинг маданиятлари, анъаналари ҳақида маълумотларни тақдим этадиган кўплаб этнографик музейлар мавжуд.

Хусусан, Лондондаги Британия музейи, Оксфорддаги Pitt Rivers этнографик музейи, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги табиат тарихи музейи, Чикаго шаҳридаги Field этнографик музейи, Франциянинг Париж шаҳридаги Musee du Quai Branly этнографик музейи, Нидерландиянинг Миллий этнографик музейи, Боливиянинг миллий этнография ва фольклор музейи, Россиянинг “Менинг Россиям”, Озарбойжоннинг Боку шаҳридаги “Гала этномузейи”, Қирғизистоннинг Бишкек шаҳридаги “Манас” этномузейи ва кўплаб хорижий музейларни келтириш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам этномузейни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Республикаимизнинг бошқа ҳудудлари каби Қорақалпоғистон Республикасида тарихий, маданий ва табиий меросни асраб-авайлаш ва туризмда оммалаштириш мамлакатнинг туризм имкониятларидан фойдаланишнинг асосини белгилаб беради. Кейинги йилларда бутунжаҳон туризм индустриясининг стратегияси туризм ва унинг барқарор ривожланиши бўлиб, Қорақалпоғистонда туризмнинг барқарор ривожлантиришда асосий мақсад ва концепцияси шаклланган халқлар меросидан келажак авлодлар учун асраб-авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш йўллари белгилаб олиш зарурдир. Турли йўналишдаги кенг кўламли туристик ресурсларга эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси маданий-маърифий, экологик, MICE, соғломлаштириш ва биринчи навбатда, этнографик туризмнинг ажралмас йўналишига айланиши мумкин. Минтақада барқарор туризм ривожланиш ва экологик тоза туризм тамойилларини амалга оширадиган, бутун дунёдан саёҳатчиларни жалб қилиш ва қабул қилиш имконини берувчи туризм турларини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ. Миллий қадриятлар этнографик маданиятни оммалаштириш ва халқаро ҳамжамият ўртасида анъанавий қадриятларни тарғиб қилиш учун инсониятнинг моддий ва маънавий маданияти объектлардан туризм ресурслари сифатида фойдаланиш энг самарали йўللardan ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманида "Тупроққалъа этно-музейи"ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мамлакатимизда илк марта этнотуризмни ривожлантириш, қадимда яшаган маҳаллий халқ этнографик маданияти бойликларини туризм маҳсулоти сифатида тарғиб қилиш орқали сақлаб қолиш, келажак авлодларга етказиб бериш ҳисобланади. Туманда этнографик туризмни шакллантиришнинг ўзига хослиги шундаки, ҳудуддаги мавжуд ресурслар этно-музей ташкил қилиш имконини беради. Мавжуд ресурсларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, Қорақалпоғистон ҳудудида сайёҳлик бизнесини янада самарали ташкил этиш имконини беради. Музей туристларни жалб қилувчи ва уларга хизмат кўрсатишда иштирок этувчи барча объектлар туризм ресурсларини қамраб олади. Бунга табиий ресурслар (табиат ёдгорликлари, қўриқхоналар, дам олиш учун ландшафтлар) ва маданий (архитектура ёдгорликлари, музейлар, театрлар, машҳур кишилар ҳаёти билан боғлиқ жойлар) киради. Минтақанинг туризмни, айниқса таълимни ривожлантириш истиқболлари маданий ва тарихий ресурслар: тарих ва маданият ёдгорликларининг мавжудлиги билан белгиланади. Бунга халқларнинг урф-одатлари, қадриятлари ва турмуш тарзи маданияти ҳам киради.

Эллиқалъа туманида Этно-музей ҳудудида ташкил этиладиган объектлар учун барча инфраструктура етарли ҳисобланади. Мазкур этно музей комплекс шаклида, яъни қадимда яшаган халқнинг тарихий қадриятларини ўзида мужассамлаштирган ҳунармандчилик намуналарини, миллий таомларини тайёрлаш ва таътиб кўриш мумкин бўлган ҳудуд, Тупроққалъа ёдгорлиги тарихий аҳамиятини ўрганиш бўйича маълумотларни ўзида мужассамлаштирган контекст, ҳамда туризмни ташкил этишдаги барча зарурий хизматларни ўз ичига олади. Комплекс жойлашуви, Хоразмдан 30 км, Нукусдан 120 км узоқликда жойлашганлиги ички ва халқаро маршрутларда иштирок этиш имконини беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Этнографик туризм тушунчасига хорижлик ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг олимлари томонидан турлича таърифлар берилган. Хусусан, британиялик олимлар М.Стефенсон ва Р. Бианчи томонидан қуйидагича фикр билдирилган: "Этнография сайёҳликда катта роль ўйнайди ва инсониятнинг тарихи, ўтмишдаги яшаш тарзи ва бошқалар учун жуда муҳим аҳамиятга эга"[2].

Буюк Британиянинг Лидз Метрополитан университети олимлари В.Симони ва С.Маккейб халқларнинг келиб чиқиши ва ўтмишдаги яшаш тарзини ўрганиш маданиятларнинг шаклланишида асосий ўрин эгаллашини алоҳида таъкидлаган [3].

Канаданинг Манитоба университетининг профессори С.Фролик ва Тренд университетининг профессори Ж.Харрисон томонидан ҳам этнографиянинг туризм соҳасидаги ўрни ва давлатнинг туристик салоҳиятини оширишга қўшадиган ҳиссасаси бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган[4].

Россиялик олима Г.Сорокина томонидан тарихий-этнографик музейларни асраб-аввайлаб, тарихий-маданий меросини, маданий ва этник жараёнларни ўрганиш кўп миллатли минтақаларда миллий маданиятни кўтаришга олиб келишини асосли равишда таъкидлаган. [5].

Этнографик туризм борасида асосан хорижлик олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, маҳаллий олимлар томонидан бу жараёнга

этибор қаратилмаган. Шунинг учун этнографик туризм борасида тадқиқотларни олиб бориш бугунги кунда долзарб мавзулардан бири ҳисобланди.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида воқелик жараёнларини ўрганишнинг илмий усуллари – экспериментал тадқиқот, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил ва бошқа усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Юқорида келтирилган таърифларни ўрганиб, таҳлил қилиб шунини хулоса қилиш мумкинки, этнографик туризмни ташкил этиш фақат хорижлик олимлар томонидан ўрганилган бўлиб, маҳаллий олимлар томонидан кўриб чиқилмаган. Таҳлилларни давом эттириб, қуйида Қорақалпоғистон Республикасининг туризм имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадида таҳлилий маълумотларни кўриб чиқамиз.

Ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, ушбу ҳудудга 2023 йил давомида хориждан 114 683 нафар турист ташриф буюриб, 1 млн. 44 минг нафар маҳаллий туристларнинг сайёҳатлари амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу даврда 25 млн. 665 минг АҚШ долларлик туризм хизмати экспорти амалга оширилган. Қорақалпоғистон Республикасида жами 60 та (2018-2023 йиллар давомида), 2023 йилда 9 та туроператор ва турагентлар фаолияти йўлга қўйилган, 1 та меҳмонхона (46 хона ва 98 ўрин), 3 та оилавий меҳмон уйи (хоналар сони 10, ўринлар сони 26 та), 5 та хостел (хоналар сони 58, ўринлар сони 181 та) фаолияти ташкил этилган. Ушбу кўрсаткичлар соҳада янги турларни амалга ошириб беришнинг намоён қилиб, ушбу ҳудудда этнографик туризмни йўлга қўйилиши янада ижобий ўзгаришларни вуҷудга келишидан далолат беради.

Қадимда Тупроққалъа шаҳари ва ундаги саройнинг қурилиши даъволаб муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеа ҳисобланади. Чунки бу иншоотнинг бунёд этилиши тарихда "Хоразм эраси"ни бошлаб берган воқеа, деб юксак баҳоланади. Сабаби, эрамиздан аввалги II асрда дашт қабилаларининг босиб келиши натижасида қудратли Грек-Бақтрия давлати емирилиб, Парфия инқирозга учраб, барбод бўла бошлайди. "Кангюй" маданиятининг тубанликка юз тутиши, Амударё этакларида ягона Хоразм давлатининг тикланиши ва кучайиши янги сулоланинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эканлигини намоён қилади. Балки африғийлар сулоласининг қуйи Амударё воҳасида пайдо бўлиб, хоразмшоҳлар билан боғлиқ янги йил ҳисобининг, ўрта асрларда яшаб, ижод қилган энциклопедист олим Абу Райхон Беруний таъкидлаб ўтганидек, ўша даврдан бошланиши ҳам бежиз бўлмагандир. Чунки мазкур шаҳар-қалъанинг яратилиши Хоразм давлатининг қайтадан тикланиб, мустақилликка эришганлигининг рамзи сифатида африғийлар тахтининг мустақамлиги ва унинг қадимий тарихий ҳамда мафкуравий аънаналари билан боғлиқлигини ифода қилиши мумкин.

Кўпчилик олимлар мазкур обидани пойтахт билан боғлиқ, давлатни бошқариб турган подшоҳлар қароргоҳи деб ҳисоблайдилар. Қурилиш услубига қараганда ҳашаматли сарой қасри билан шаҳар массивлари эгаллаган ҳудуд сатҳи тахминан бир хил майдонга тенг. Қалъа Амударёдан 50 км узоқликда тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, умумий майдони 17 гектар (500 x 350 метр), баландлиги 20 метр, қалъа деворларининг қалинлиги 12 метрни ташкил қилган.

Қалъада истиқомат қилувчилар асосан зодагонлар, хизматкорлар ва қўриқловчи аскарлар бўлган. Шаҳар ҳудудида бозор ва ҳунармандлар расталарининг йўқлиги ҳам мазкур фикрни қувватлайди. Асли сарой биноси, унда топилган ёзма ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Тупроққалъа шубҳасиз қулларнинг оғир меҳнати, меъморларнинг зўр маҳорати, ижодкорларнинг нафис санъати мужассамланган антик Хоразм ижтимоий тузуми ва давлатчилигини ифодаловчи муқаддас ноёб обида ҳисобланади.

Тупроққалъани мамлакатнинг бош шаҳри, яъни пойтахти бўлмасдан, балки сулола ҳукмдорларининг марказий қароргоҳи вазифасини бажарганлигини тасдиқловчи қўшни Парфия подшоҳларининг истъёҳкоми, кўшк-саройи ва ибодат маркази ҳисобланган. Эски Ниса билан қиёс қилса бўлади. Аммо хоразмшоҳлар қароргоҳи ўзининг тузилиши, қурилиш услуби ва аҳамияти жиҳатидан Нисадан ажралиб туради. Тупроққалъа меъморчилиги кўп жиҳатдан Месопатамия иншоотларига ўхшаб кетади. Қалъада уйлар сатҳидан анча баланд кўтарилиб, қурилган сарой бинолари муқаддас тоғни ифодаловчи қадимий шарқ иншоотларини эслатади.

Тарихий-археологик маълумотларга қараганда, араб истилоси арафасида Хоразм жиддий тангликни бошдан кечириб, бу пайтда Тупроққалъа атрофидаги шаҳарлар таназзулга юз тутди ва ҳаёт сўниб борди. Суғориладиган экин майдонлари кескин қисқариб кетди, ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш касодга учради. Ички бўҳрон туфайли заифлашган Хоразм давлати ўз ҳудудига кириб келиб, воҳада ўтроқ бўлиб қолган ярим кўчманчи ва кўчманчи қабилалар сиқувига дош бера олмади. Бу омилларнинг барчаси хоразмликларнинг ижтимоий ва этник қиёфасига ўз таъсирини ўтказди.

Тупроққалъа ва унинг атрофидаги муҳофаа деворларида VI аср охириларигача ҳаёт давом этган. Кейинги йилларда қалъанинг янада янги сирлари очилмоқда.

Элликқалъа тумани, “Тупроқ-қалъа” маъданий ёдгорлиги ҳудудида ташкил этиладиган этно-музей орқали Қорақалпоғистон Республикасига йилига бир миллион ички ва халқаро туристларни жалб қилиш мумкин. Шунингдек, Элликқалъа туманида камида элликга яқин янги иш ўрнини яратиш имконини яратади, яъни ушбу иш ўринлари тарихий-археологик ёдгорлик негизига ташкил этилади. Қолаверса, этно музейни ташкил қилиниши умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабаларининг аждодларимизнинг ўтмишдаги яшаш турмуш тарзи борасидаги дунёқарашларини шакллантиришга, туризм мутахассисларига этнографик маршрутларни ташкил этишга тайёргарлик кўриш ва амалий машғулотларда ёрдам беради, шунингдек, табиий ва тарихий обидаларни сақлаш ва оммалаштириш жараёни самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 июлдаги “Туризм йўналишидаги ислохотарни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-238 сонли Қарори [1].
2. Stephenson, M., & Bianchi, R. (2007). Journeying into the lives of others’: A critical analysis of ethnography, tourism and tourists. *International Journal of Excellence in Tourism, Hospitality and Catering*, 1(1), 1-41. [2].
3. Simoni, V., & McCabe, S. (2008). From ethnographers to tourists and back again. On positioning issues in the anthropology of tourism (No. 57, pp. 173-189). *Université libre de Bruxelles* [3].
4. Frohlick, S., & Harrison, J. (2008). Engaging ethnography in tourist research: An introduction. *Tourist Studies*, 8(1), 5-18 [4].